



## ФОСФОРИТЛАРНИ НАТРИЙ СУЛФАТИ АСОСИДА ФАОЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ФОСФОРЛИ ЎҒИТЛАР ОЛИШ

**Салимов Мафтун Ғайрат ўғли** – Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети магистри,  
**Элмуровод Дилмуроджон Сирож ўғли** – Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети талабаси,  
**Ҳазратова Хиромон Шавкатовна** – Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети талабаси.

**Аннотация:** Марказий Қизилқум фосфорити (шламли фосфорит) билан каустик сода ишлаб чиқарашда ҳосил бўладиган иккиласми махсулот натрий сульфати турли оғирлик нисбатларда қўшилиб намуналар тайёрлаб олинган намуналар икки қисмга бўлинди бир қисми 5, 10 ва 15 минутда механик фаоллантирилди ҳамда иккинчи қисми  $800^{\circ}\text{C}$ ,  $900^{\circ}\text{C}$ ,  $1100^{\circ}\text{C}$ , ҳароратда ва 30 мин давомида муфел печларда ҳароратларда тобланади. Олинган намуналарнинг таркибидағи умумий  $\text{P}_2\text{O}_5$ , ўзлашувчан  $\text{P}_2\text{O}_5$ , умумий  $\text{CaO}$  ва умумий шакллари ўрганилди.

**Калит сўзлар:** шламли фосфорит, натрий сульфати, фосфор беш оксиди, кальций оксиди, карбонатсизланиш даражаси.

## OBTAINING PHOSPHORUS FERTILIZERS BASED ON THE ACTIVATION OF PHOSPHORITES WITH SODIUM SULFATE

**Salimov Maftun G'ayrat o'gli** – master's student, Navoiy State University of Mining and Technologies

**Elmurodov Dilmurodjon Siroj o'g'li** – student, Navoiy State University of Mining and Technologies

**Hazratova Xiromon** - student, Navoiy State University of Mining and Technologies

**Abstract:** sodium sulfate, a secondary product formed in the production of caustic soda, with Central Kyzylkum phosphorite (slurry phosphorite), was added in different weight ratios. The samples were prepared and divided into two parts, the first part is activated mechanically for 5, 10, and 15 minutes, and the second one is heated at temperatures of  $800^{\circ}\text{C}$ ,  $900^{\circ}\text{C}$ , and  $1100^{\circ}\text{C}$  and for 30 minutes in muffle furnaces. Total  $\text{P}_2\text{O}_5$ , absorbable  $\text{P}_2\text{O}_5$ , total  $\text{CaO}$ , and total forms of the obtained samples were studied.

**Keywords:** slurry phosphorite, sodium sulfate,  $\text{P}_2\text{O}_5$ , calcium oxide, decarbonization rate.

## ПОЛУЧЕНИЕ ФОСФОРНЫХ УДОБРЕНИЙ НА ОСНОВЕ АКТИВАЦИИ ФОСФОРИТОВ СУЛЬФАТОМ НАТРИЯ

**Салимов Мафтун Ғайрат ўғли** – магистрант Навоийского государственного горно-технологического университета,

**Элмуровод Дилмуроджон Сирож ўғли** – студент Навоийского государственного горно-технологического университета,

**Ҳазратова Хиромон Шавкатовна** – студентка Навоийского государственного горно-технологического университета



**Аннотация:** сульфат натрия, побочный продукт, образующийся при производстве едкого натра, с фосфоритом Центральных Кызылкумов (фосфорит шламовый) добавляли в различных весовых соотношениях. Образцы готовили и делили на две части, первую часть подвергали механоактивации в течение 5, 10 и 15 минут, а вторую нагревали при температурах 800°C, 900°C и 1100°C и в течение 30 минут в муфельных печах. Исследовали общий P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>, абсорбируемый P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>, общий CaO и общие формы полученных образцов.

**Ключевые слова:** шламовый фосфорит, сульфат натрия, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>, оксид кальция, скорость обезуглероживания.

Бугунги қуннинг энг долзарб муаммоси – махаллий хомашёлардан кенг фойдаланиш ва чиқиндиси технологиялар яратиш ҳисобланади. 2022 йилда бошланган глобал молиявий инқизоз, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, мавжуд вазиятдан чиқиш йўлларини излаш. Шунга асосланиб, корхоналарни модернизация қилишни, техник ва технологик қайта жиҳозлашни, замонавий мослашувчан технологияларни кенг жорий этишини янада жадаллаштириш зарур [1]. Қаттиқ иқтисодий режимни жорий этиш орқали корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқариш таннархи ва ишлаб чиқариш таннархининг пасайишини рағбатлантириш.

Мухим кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, саноат жараёнларини бирлаштириш учун асос бўлиб, Ўзбекистонда технологик тараққиётнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу замонавий саноат корхоналарида меҳнат унумдорлигини оширишнинг самарали воситаси. Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигига маҳсулот таннархини пасайтириш, унинг сифатини ошириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш, ускуналардан фойдаланишини яхшилаш ва капитал кўйилмалар самарадорлигини ошириш орқали эришилади. Ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш натижасида операцияларни, жараёнларни аниқ бажарилиши таъминланади ва жараённи бошқарувчи шахснинг субъектив фазилатлари сабаб бўлган ҳолатлар ҳам ускуналарнинг тўхтаб қолиши ва ишлаб чиқариш қувватига таъсир қилиши мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистон худудида каустик сода ишлаб чиқарадиган иккита завод мавжуд бўлиб – улардан бири “НАВОИЙАЗОТ” АЖ ҳисобланади. Ишлаб чиқариш қуввати йилига 26 минг ва 75минг тонна бўлиб, асосан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар деярли НКМК ва “НАВОИЙАЗОТ” АЖда ПВХ корхонаси учун зарурий маҳсулотлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун Каустик содани ишлаб чиқариш янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш зарурати туғилади[2].

Ишқор ва хлорни электролитик ишлаб чиқариш учун хом-ашё NaCl нинг сувли эритмалари ҳисобланади. Шўр сувни симоб учун заҳарли бўлган оғир металл тузларидан кўшимча равишда тозалаш керак. Мембрана усули учун, ион алмашинадиган қатронлар ёрдамида амалга ошириладиган диафрагма усулидан кўра шўр сувни чуқурроқ тозалаш талаб этилади[3-5]. Сув тозалаш жараёнида кўп микдорда иккиласми маҳсулот ҳисобланган натрий сульфати ҳосил бўлади. Ушбу иккиласми маҳсулотни қайта ишлаш муҳим вазифа ҳисобланади.

Республикамизда ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигининг фосфорли ўғитларга бўлган талаби атиги 23% ни таъминланмоқда. Фосфорли ўғитлар танқислигининг асосий сабаби сифатли хом ашёсининг етишмаслигидир. Шуни таъкидлаш лозимки, Қизилқум фосфорит комплексининг фосфорит рудасини бойитиш жараёнида минераллашган масса ва шламли фосфоритлар деб аталувси чиқинди фосфоритлар ҳосил бўлади. Ҳозирди ушбу чиқинди фосфоритларнинг умумий ҳажми 15 млн. тоннага етди. Фосфорли ўғитлар етишмаётган шароитда ушбу нокондицион фосфоритларни қишлоқ хўжалиги эҳтиёжига жалб қилиш долзарб муаммо ҳисобланади. Ушбу чиқинди фосфоритларни минерал ва органоминерал ўғитларга қайта ишлаш бўйича бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда [6-9].



Юқори карбонатли фосфортлардан сифатли минерал ўғитлар ишлаб чиқариш учун уларнинг таркибидаги кальцит, яъни карбонат минераллари микдорини бойитиш орқали камайтириш самарали хисобланади. Изланишлардан маълум бўлдики, фосфорит рудаларини флотация усулида бойитиш самарасиз эканлиги маълум бўлди. Бунга сабаб унинг таркибидаги фторапатит билан кальцит ўзаро бир-бири билан зич боғланганлигидир. Бу эса рудаларни майдалаш жараёни олиб борилганда ҳам флотация усули билан ажратишида нокулайликларини келтириб чиқаради [10-14]. Ҳозирги кунда Қизилқум фосфоритларидан юқори сифатли фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш учун хом ашёни бошқа усуллар ёрдамида бойитиш технологиялари яратилди.

Термик усуллар ёрдамида фосфоритларни бойитиш бир канча илмий ишларда ўрганилган. Фосфоритлар таркибидаги карбонат ангидриднинг тўлиқ газ фазага ўтиши, яъни декарбонланиш жараёнининг ҳароратлари кенг интервалларда боради ва 1100 °Сда якунланади. Қизилқум фосфоритлари интенсив дезинтеграцияланади ва ажратилиб олинган хом ашё 850–950 °С да куйдирилади. Дезинтеграцияланиши натижасида хом ашё таркибидаги цементланган бўлаклар майдаланади ва мергел бирикмаларидан ажратилади. Шунингдек, кальцит ҳамда кварцнинг юпқа қатламлари йўқотилади. Термик бойитилган фосфорит таркибида ҳосил бўлган эркин кальций оксидини анъанавий усулда ажратиб олиш самарадорлиги нисбатан камдир[15-16].

Юқоридагилардан хулоса қиласиган бўлса фосфоритлар чиқиндилари нисбатан арzon ва уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш фақат малакали ўғитлар олишни таъминлайдиган технология яратилган ҳолатда мумкин бўлади. Бунинг учун, натрой сульфати иштирокида Марказий Қизилқум чиқинди фосфорити минераллашган массанинг механик ва термо-ишқорий фаоллашуви асосида минерал ўғитлар олишнинг илмий тадқиқотлари олиб борилди.

Тадқиқотларни бажаришда паст навли Марказий Қизилқум фосфоритлари чиқиндилари ва натрий сульфати намуналаридан фойдаланилди. Фосфоритнинг кимёвий таркибини аниқлаш учун маълум бўлган усуллар қўлланилди. Бунда паст навли Марказий Қизилқум фосфорити шламли фосфоритнинг (ШФ) кимёвий таркиби (масса, %) : P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> - 12,55; CaO – 43,68; CO<sub>2</sub> – 14,83; MgO – 1,68; R<sub>2</sub>O<sub>3</sub> – 2,47; SO<sub>3</sub> - 1,01; F – 2,17; H<sub>2</sub>O – 1,19. Сўнг

#### 1 – жадвал.

#### **ШФ ва НС асосида механик фаоллантириш орқали олинган ўғит намуналарининг кимёвий таркиби.**

Оғирлик нисбати ШФ : НС	Компонентлар %				Кабонатизланиш даражаси
	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> умум	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> ўзл.	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> ўзл.*100/ P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> умум	CaO умум	
5 минут фаллаштирилганда					
95 : 5	12,59	7,36	58,46	43,43	23,45
90 : 10	11,93	7,58	63,54	41,14	27,64
85 : 15	11,26	7,56	67,12	38,86	32,45
80 : 20	10,60	7,48	70,55	36,57	38,65
75 : 25	9,94	7,42	74,62	34,28	43,25
70 : 30	9,28	7,29	78,65	32,00	48,68
10 минут фаллаштирилганда					
95 : 5	13,16	8,15	61,97	45,39	28,14
90 : 10	12,47	8,40	67,35	43,00	33,17
85 : 15	11,77	8,38	71,15	40,62	38,94
80 : 20	11,08	8,29	74,78	38,23	46,38
75 : 25	10,39	8,22	79,10	35,84	51,90
70 : 30	9,70	8,08	83,37	33,45	58,42
15 минут фаллаштирилганда					



95 : 5	13,25	8,70	65,69	45,72	33,21
90 : 10	12,56	8,96	71,39	43,31	39,14
85 : 15	11,86	8,94	75,42	40,91	45,95
80 : 20	11,16	8,85	79,27	38,50	54,73
75 : 25	10,46	8,77	83,84	36,10	61,24
70 : 30	9,77	8,63	88,37	33,69	68,93

Марказий Қизилқұм чиқинди фосфорити шламли фосфорит (ШФ) ва натрий сульфати намуналари 63мкм гача майдалаб олинади. Майдаланган шламли фосфоритва натрий сульфати (НС) 95 : 5; 90 : 10; 85 : 15; 80 : 20; 75 : 25; 70 : 30 оғирлик нисбатлари намуналар тайёрлаб олинди. Олинган бошланғич намуналарни икки қисмга бүлинди бир қисми 5, 10 ва 15 минутда механик фаоллантирилди ҳамда иккінчи қисми сув ёрдамида хамирсимон масса қилиб массаны таблетка қилиниб оғирликлари ўлчаниб олиниб куритиши шкафида қуритиб олинади. Сүнгра улар 800°C, 900°C, 1100°C, 1200°C ҳароратда ва 30 мин давомида муфел печларда ҳароратларда тобланади. Механик ва термокимёвий фаоллаштирилган намуналарнинг таркибидаги умумий P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>, ўзлашувчан P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>, умумий CaO ва умумий шакллари ўрганилди. Намуналар таркибидаги умумий P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>, ўзлашувчан P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>, умумий CaO қиймати спектрофотометрик усулда UV-1280 спектрофотометрда (Shimadzu, Япония) λ=440 нм түлқин узунлиги аниқланди.

**2- жадвал.**


**Турли ҳарорат ШФ ва Na<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> иштирокида термик қайта олинган ўғит намуналарининг кимёвий таркиби.**

Оғирлик нисбати ШФ : НС	Компонентлар %			
	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> умум	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> ўзл.	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> ўзл.*100/ P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> умум	CaO умум
800 °C да фаллаштирилганда				
95 : 5	13,02	8,02	61,62	44,90
90 : 10	12,33	8,26	66,97	42,54
85 : 15	11,65	8,24	70,74	40,18
80 : 20	10,96	8,15	74,36	37,81
75 : 25	10,28	8,08	78,65	35,45
70 : 30	9,59	7,95	82,90	46,94
900 °C да фаллаштирилганда				
95 : 5	13,60	8,89	65,31	44,47
90 : 10	12,89	9,15	70,99	42,00
85 : 15	12,17	9,13	74,99	39,53
80 : 20	11,46	9,03	78,82	37,06
75 : 25	10,74	8,95	83,37	34,58
70 : 30	10,02	8,81	87,87	46,94
1000 °C да фаллаштирилганда				
95 : 5	13,70	9,49	69,23	47,28
90 : 10	12,98	9,77	75,25	44,79
85 : 15	12,26	9,75	79,49	42,30
80 : 20	11,54	9,64	83,55	39,81
75 : 25	10,82	9,56	88,37	37,32

70 : 30	10,10	9,40	93,14	34,83
---------	-------	------	-------	-------

Тадқиқот натижари шуни кўрсатдикি фосфоритлар натрий сульфати билан фаоллаштирилган намуналарнинг кимёвий таркибида натрий сульфати меъёри ва фаоллантириш вакти ортиши билан фосфор беш оксиди ва кальций оксиди умумий микдори камайиб борганлиги аммо фосфор беш оксиди ўзлашувчан шакли ҳамда карбонатсизланиш даражаси ортиб борганлиги аниқланди. Тадқиқот натижалари 1-жадвалда келтирилган. Масалан ШФ : НС нинг 5 минут фаллаштирилганда 75 : 25 оғирлик нисбатида фосфор беш оксиди ва кальций оксиди умумий микдори 12,59 %, ва 43,43% ни ташкил этган бўлса 95 : 5 оғирлик нисбатида мос равишда 9,94%, ва 34,28% ни ташкил этганлиги аниқланди. Ушбу намуналар таркибидаги фосфор беш оксидининг ўзлашувчан шакли 58,46 ва 78,65 % ташкил этган бўлса, карбонатсизланиш даражаси 23,45 ва 43,25 % ташкил этганлиги аниқланди. Ушбу оғирлик нисбатлари 15 минут фаоллантирилганда фосфор беш оксиди ва кальций оксиди умумий микдори 95 : 5 оғирлик нисбатида 13,25 %, 45,72% ни ташкил этган бўлса 75 : 25 оғирлик нисбатида 8,77%, ва 36,10% ни фосфор беш оксидининг ўзлашувчан шакли мос равишда 65,69 ва 83,84 % ташкил этган бўлса, карбонатсизланиш даражаси 33,2 ва 61,24 % бўлганлиги ўрганилди.

Ўрганишлар давомида фосфоритлари натрий сульфати иштирокида ўтказилган тажрибалардан кўриниб турибидики ҳарорат ошиши ҳамда натрий сульфатнинг оғирлик микдори ошган  $P_2O_5$  нинг ўзлашувчанлик микдорлари ва карбонатсизланиш даражаси ортиб бормоқда. Тадқиқот натижалари 2 жадвал ва расмда келтирилган. Бунда ШФ натрий сульфати иштирокида таъсирлашув ҳарорат  $900^{\circ}\text{C}$  да 95 : 5 оғирлик нисбатида  $P_2O_5$  нинг ўзлашувчанлик микдорлари ва карбонатсизланиш даражаси 65,31 % ва 74,08 % ни ташкил этган бўлса шу ҳароратда 70 : 30 оғирлик нисбатида  $P_2O_5$  нинг ўзлашувчанлик микдорлари ва карбонатсизланиш даражаси 87,87 ва 88,49 % гача кўтарилигани аниқланган бўлса  $1000^{\circ}\text{C}$  да эса мос равишда 95 : 5 оғирлик нисбатида  $P_2O_5$  нинг ўзлашувчанлик микдорлари ва карбонатсизланиш даражаси 69,23 % ва 81,75 % ни ташкил этган бўлса шу ҳароратда 70 : 30 оғирлик нисбатида  $P_2O_5$  нинг ўзлашувчанлик микдорлари ва карбонатсизланиш даражаси 93,14 ва 94,38 % гача ошганлигини кўрсатди.



**1-расм. ШФ ва  $\text{Na}_2\text{SO}_4$  иштирокида турли оғирлик нисбатдаги намуналарнинг термик қайта ишлашда карбонатсизланиш даражасини ҳарорат ва оғирлик нисбатига боғлиқлиги**

Тадқиқот натижаларини хulosha қilsak past navli Марказий Қизилкум ШФ ни каустик сода ишлаб чиқариш сув тозалаш жараёнида ҳосил бўладиган иккиласи махсулот



натрий сульфати билан фаоллантириш асосида фосфорли мураккаб ўғитлар олиш мумкунлиги аникланди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз.. 488 б, Т. “Ўзбекистон”, 2017 й.
2. Т.А.Отакўзиев, Ш.А.Якубов “Ноорганик моддалар кимёвий технологияси”. Тошкент. 2008 й.
3. Azimova, D., Salikhanova, D., Eshmetov, I., Umurov, F., & Temirov, U. (2023, March). Wastewater treatment using heat-treated defecate and MAP solution. *IOP Conference Series: Earth and Environmental Science* (Vol. 1142, No. 1, p. 012079).
4. Umurov F., Urunova K., Temirov U. Study on wastewater treatment based on local minerals //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2023. – Т. 377. – С. 03003.
5. Azimova D. et al. Treatment of waste water contaminated with iron ions on the basis of activated defecate //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2023. – Т. 377. – С. 03005.
6. Тагаев, И. А., Темиров, У. Ш., Хуррамов, Н. И., & Мажидов, Х. Б. (2022). Результаты анализов пластов фосфоритов на джерой-сардаринском месторождении КФК. *International Journal of Advanced Technology and Natural Sciences*, 3(4), 4-14.
7. Temirov, U. S., Suvanov, F. R., Azimova, D. A., & Usanboyev, N. H. (2020). Nitrogen-phosphorus and humus-phosphorus fertilizers based on Central Kyzylkum phosphorites. In *International scientific review of the technical sciences, mathematics and computer science* (pp. 49-56).
8. Uktam, T., Ahmed, R., & Shafoat, N. (2016). Organ mineral fertilizer based on waste from livestock sector and low-grade Kyzylkum phosphorite. *International scientific review*, (5 (15)), 15-16.
9. Темиров, У. Ш., Реймов, А. М., Намазов, Ш. С., & Усанбаев, Н. Х. (2016). Органоминеральные удобрения на основе куриного помёта и шламовых фосфоритов Центральных Кызылкумов. *Universum: технические науки*, (10 (31)), 1-5.
10. Saydullayev, A., Namazov, S., Mirsalimova, S., Usanbaev, N., & Temirov, U. (2023, March). Influence of the amount and fineness of grinding of ammonium sulfate on the properties of sulfate-containing urea. In *IOP Conference Series: Earth and Environmental Science* (Vol. 1142, No. 1, p. 012091). IOP Publishing.
11. Хуррамов, Н. И., Нурмуровод, Т. И., & Эркаев, А. У. (2021). Исследование процесса получения экстракционной фосфорной кислоты из мытых высушанных фосфоритов. *Universum: технические науки*, (2-3 (83)), 71-76.
12. S.Sharipov (2020) Formation of amino acids in the process of bacterial oxidation of flotation concentrate and their effect on the extraction of precious metals. journal Reports of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.-Tashkent, (5), 48-54.
13. Шарипов, С. Ш., & Шодикулов, Ж. М. (2019). РОЛЬ МИКРООРГАНИЗМОВ ПРИ БАКТЕРИАЛЬНОМ ВЫЩЕЛАЧИВАНИИ ЗОЛОТОСОДЕРЖАЩИХ СУЛЬФИДНЫХ РУД. In *Российская наука в современном мире* (pp. 122-123).
14. Akhtamova, M., Khurramov, N., & Turdiyeva, O. (2022). SYNTHESIS PHOSPHOROUS-POTASSIUM CONTAINING PRODUCTS BY THERMAL METHOD. *Журнал интегрированного образования и исследований*, 1(2), 17-24.
15. Nurmurodov, T. I., Erkaev, A. U., Khurramov, N. I., Akhtamova, M. Z., & Bozorova, N. N. (2018). Phosphor-calcium fertilizers on the basis of phosphate raw material of Central Kyzylkum. *International journal of advanced research in science, engineering and technology*, 5(5), 5841-5845.
16. Bozorov, I., Iskandarova, M., Mamataliyev, A., Usanbayev, N., & Temirov, U. (2022, June). Nitrogen-sulfur-containing fertilizers based on melt ammonium nitrate and natural gypsum. In *AIP Conference Proceedings* (Vol. 2432, No. 1, p. 050062). AIP Publishing LLC.